

ХОРАЗМДА ЎЛКАШУНОСЛИК ФАНИ УЧУН АҲАМИЯТЛИ АСАРЛАР

*Шихов Отабек Омонбоевич, Муҳаммад ал-Хоразмий
номли Тошкент ахборот технологиялари университети
Урганч филиали доценти, тарих фанлари номзоди*

IMPORTANT WORKS FOR THE SCIENCE OF REGIONAL STUDIES IN KHOREZM

*Shikhov Otabek Omonboevich, Associate Professor, Urgench
Branch of Tashkent University of Information Technologies
named after Muhammad al-Khwarizmi, Candidate of Historical
Sciences*

ЗНАЧИТЕЛЬНЫЕ НАУЧНЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ ДЛЯ КРАЕВЕДЕНИЯ В ХОРЕЗМЕ

*Шихов Отабек Омонбоевич, доцент Ургенчского
филиала Ташкентского университета информационных
технологий имени Мухаммада аль-Хорезми, кандидат
исторических наук*

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразмда ўлкашунослик фани юксалишида истиқлол йилларида яратилган асарлар таҳтил қилинади. Тағдиқот обьекти сифатида Умид Бекмуҳаммаддинг яратган рисола, китоблари асос қилиб олинган.

Калит сўзлар: Хоразм, туманлар топонимикаси, фан, жамият, газета, китоб, афсона, ривоят, тарихий асар, ўлкашунослик.

Abstract: This article analyzes the works created during the years of independence in Khorezm during the rise of the science of regional studies. The research object is the treatises and books created by Umid Bekmukhammad.

Keywords: Khorezm, toponymy of districts, science, society, newspaper, book, legend, legend, historical work, regional studies.

Аннотация: В данной статье анализируются труды, созданные в годы независимости в период зарождения краеведческой науки в Хорезме. В качестве объекта исследования за основу были взяты брошюры и книги, созданные Умидом Бекмухаммадом.

Ключевые слова: Хоразм, районная топонимия, наука, общество, газета, книга, миф, нарратив, исторический труд, краеведение.

КИРИШ. Истиқлолнинг илк даврларида Хоразм вилоятида журналист Нельматжон Солаев раҳбарлигига Хоразм ўлкашунослик жамияти фаолият кўрсатганди. Ушбу жамият муассислигига “Хива” журнали ва “Хоразм”

номли газета нашр этилган бўлиб, афсуски иқтисодий сабаблар туфайли газета 1993 йил, журнал бўлса 2000 йилда ўз фаолиятини тутатади. Аммо, ушбу нашрларда чоп этилган мақолалар ҳозирда ҳам ўлкашунослик фани учун



[https://orcid.org/0009-0007-
9267-3753](https://orcid.org/0009-0007-9267-3753)

e-mail:
otabekshixov1978@gmail.com

аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Шу сингари вилоят “Олтин мерос” жамғармаси раиси Комилжон Нуржонов ва унинг шогирдлари ҳам хозиргача бир қатор туманлар, қишлоқларнинг тарихини яратиб, ўлкашунослик учун ўзларининг катта ҳиссаларини қўшиди. Бу борада истиқлол яратган имкониятлардан фойдаланиб, Хоразм вилоятидаги қишлоқлар, туманлар ва Хоразмнинг ўзига хос жиҳатларини яратиш бўйича тадқиқотлар килиб, қўплаб асарлар яратган янги авлод тарихчиси Умид Бекмуҳаммад хисобланади. Унинг шу пайтгача Ўзбекистон ва хорижий 80 дан ортиқ нашрларда 800 дан ортиқ мақолалари, 10 жилдик “Хоразм ва хоразмликлар” асарлари, бир қатор рисолалари айнан Хоразмда ўлкашунослик учун қилинган илмий салоҳияти юксак бўлган тадқиқотлардир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ. Тарих фанлари доктори, доцент Умид Бекмуҳаммаднинг шу пайтгача 80 дан ортиқ Ўзбекистон ва хорижий нашрларда 800 дан ортиқ мақолалари, 10 жилдик “Хоразм ва хоразмликлар” асарлари, бир қатор рисолалари айнан Хоразмда ўлкашунослик учун қилинган илмий салоҳияти юксак бўлган тадқиқотлардир. “Сахтиён ўтмишидан саҳифалар”, “Дўсимбий”, “Эшимжирон”, “Гурлан”, “Гурлан тарихи”, “Гурлан ҳаёти” сингари рисолалари ва “Хоразм ва хоразмликлар” туркум китобларида ҳам айнан воҳа ҳалқининг ўтмишидаги воқеликлар, жараёнлардаги иштироқи, ўлкадан етишиб чиққан машҳур шахслар фаолияти тизимли тарзда ёритиб берилади. Айнан ана шу асарларнинг Хоразм ўлкашунослигига тутган ўрни катта. Мақолани ёзиш давомида назарий-дедуктив хulosса чиқариш, анализ ва синтез, мантиқийлик тамоилилари қўлланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Маълумки, ўлкашуносликдаги энг биринчи жиҳат ҳудуд, қишлоқ, туман ёки вилоят номининг келиб чиқишини таҳлил қилишдир. Кўпинча ҳалқ орасида афсона ва ривоятлар тарқалганини ҳам инобатга олиб, уларни тадқиқ қилиш, бошқа манбаларга таққослаш ва шу орқали аниқ бир илмий хulosса чиқариш, фан ҳамда жамият учун ҳам аҳамиятлидир.

Саккиз жилдли “Хоразм ва хоразмликлар”нинг биринчи китоби айнан “Хоразм топономи: турли ташминлар” деган очерк билан бошланади. Беруний, Муқаддасий,

Ризокулихон, С.П.Толстов, К.Лерх, М.Н.Богомолов, Ҳ.Вамбери, Б.Греков, Ю.Савельев, О.Машарипов, Тохир Карим, Мухаммад Ёқуб, Б.И.Вайнберг, М.Г.Воробъёва, Ш.Б.Шайдуллаев, А.Ш.Шайдуллаев, Каримбой Файзуллаев сингари турли авлодга мансуб муаррих, саёҳатчи, элчи ва тадқиқотчиларнинг топоним борасидаги фикрларини келтиради ва уларни бир-бирига таққослади.

“Бироқ, турли авлодга мансуб тадқиқотчилар гурухи “Хоразм” атамасини изоҳлашга уриниб кўрганлар. Масалан, Клицерт Лерх “Хоразм” номини “Хуваразмис”, яъни “паст текислик ер” деб, немис олими Э.Захау “Авесто”да қайд этилган “Қайризао” айнан Хоразм эканлигини таъкидлаб, ушбу сўз икки қисмдан, “зем – ер, қайри – озиқ-овқат” маъноларини англатишини, аникроғи, “Қайризао – озиқ-овқат мамлакати, озуқага мўл юрт, унумдор ер” деган маънони билдиради, дея ўз тахминини илгари суради. Бу фикрни бошқа бир немис олими Гейчер ҳам қувватлаб, “Қайризао” унумдор, хосилдор, озиқ-овқат мўл-кўл ўлка”, деганди. Шу каби тахминни рус олими М.Н.Богомолов ҳам ифодалаб, ушбу топоним қадимги форс тилидан келиб чиққан “Хуваразм” бўлиб, чорва моллари боқиши учун қулай ерлар, мустаҳкам қалъалар билан ўралган ўлка маъносини билдиради, деб ҳисоблайди. Юсти ва Шпигель каби тадқиқотчилар эса, аксинча “ёмон, унумсиз ер” деб талқин қилишган. Улар фикрича “Хор – ёмон” зам – ер” деган маъноларни англатади. Машҳур венгер олими ва сайёхи Вамбери бўлса, Хоразм атамасини “Хоҳ-разм” – урушга мойил, жанговар”, деган маънода таҳлил қилганди. Б.Греков ҳамда Ю.Савельевлар эса “Хуваразмис”нинг биринчи “Хвар” қисмини “Хурshed” – “Офтоб” сўзи билан боғлаб, “Қуёш ўлкаси” сифатидаги талқин билан баҳсу мунозарага қўшилди.

Маълумки, форсчада “Хур”, “Хуршид” – Қуёш бўлиб, славянларнинг қуёш ҳудоси – Хорс номи ҳам шундан олингандир. Бундан ташқари, ушбу сўз турли манбаларда турлича талаффузда айтилганига ҳам эътибор қаратмоқ керак. Мисол учун араб манбаларида “Хўворезм”, янги эранинг VII асри бошларидаги Хоразм тангаларида “Хвризм”, қадимги форсчада эса “Уваразмис”, бобилчада “Хумаризма”, эламчада

бўлса “Маразмис”, “Авесто”да “Қайризао”, юончада “Хўрўзмия - Хораспия”, лотинчада “Хорасмия”, миҳхат ёзуvida “Уварезмийя”, хитой манбаларида “Холи-ш-ми-кич “ тарзида келтирилади.

Беҳистун ва Персеполдаги ёзувларда бўлса Уваразми, қадимий “Хан сулоласи тарихи” асарида Юегянъ (Юецзянъ), “Тан сулоласи тарихи”да “Хосюнь”, “Холисими Боли” тарзида қайд этиб ўтилган.

Барча энг сўнгти тадқиқотчилар бу сўзниң иккинчи қисми “зм”, “зем” ҳинд-европа тилларига мансуб “зем – ер, ўлка” асосидан олинган (форсча “замин” ва русча “земля” ҳам шу асосдан ясалган) деб изоҳлашга мойиллар. Биринчи элемент “хвари” га келганда эса, шуни айтиш керакки, унинг келиб чиқишини форс тили билан боғлашга интилиш турли-туман фикрларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Милоднинг I асрида қадимги юон тарихчиси Страбон “Хвай-ри-зем”, яъни “куёшли ер” дея топонимни изоҳлаб ўтган ва “бу ерда яшовчилар куёшни худо деб билишади”, деган фикрни билдирганди[1].

Бундан ташқари, ҳалқ орасидаги, турли асарларда келтирилган афсона, ривоятларни ҳам келтирган ҳолда уларни изоҳлаб ўтади ва бошқа манбалар билан таққослади. “Хоразм ва хоразмликлар” туркумининг иккинчи китоби “Туманлар топонимикаси” номли мақола билан бошланади[2]. Шуни таъкидлаш жоизки, аксарият туманлар, олайлик Гурлан, ёки Хива, ёхуд Ҳазорасп бўйича ҳам асосан нафақат ҳалқ орасида, балки тадқиқотчиларда ҳам афсона, ривоятларнинг келтириш анъанага айланиб қолганди. Умид Бекмуҳаммад факат ўзи туғилиб ўсган Гурлан топониминингина эмас, балки барча туманлар номининг келиб чиқишини тадқиқ қилишда фан учун неки аҳамиятли бўлса, ҳам масига эътибор қаратади. Яъни афсона ва ривоятларни ҳам тўплаган, қайд этган ҳолда, кўллэзма асарлар, тарихий, бадиий китобларда топонимика бўйича бирон муносабат бўлса, уни ҳам келтириб ўтади. Ушбу манбаларни бирбирига таққослаб, изоҳлаб шулар асосида хулоса чиқаришни эса китобхон ҳукмига ҳавола қиласи.

Шу тарзда “Хоразм ва хоразмликлар” туркумидаги барча ўн жилд асарлар ҳам ўлкашунослик фани учун аҳамиятга эга очерклар, мақолалардан иборат. “Айнан

топонимика бўйича энг сўнгти илмий маълумотлар, кўллэзма асарлар, бошқа манбаларни таққослаган ҳолдаги мақолалар еттинчи китобдан ҳам жой олган” [3].

Муаллиф туманлар топонимикасини изоҳлашда бу гал бадиий адабиётдаги фикрларни ҳам таҳлилга тортади ва уларни ҳам асарида келтириб ўтади. Масалан Гурлан, Ҳазорасп ҳақидаги янгича таҳлилларни Эркин Самандарнинг, Янгиарик тўғрисидаги топонимни изоҳлашда эса Комил Авазнинг асаридаги маълумотларни тадқиқ қиласи. Тарихчига хос ўзигача бўлган даврда кимдир топонимика бўйича бирон фикр, маълумот, ёхуд афсона, ривоятларни келтирган бўлса, уни муаллифга бўлган ҳурмат юзасидан қайд этиш, изоҳлаш, бошқа манбаларга таққослаш одамийлик юзасидан ҳам, тадқиқотчига ҳам хос холислиқдир.

“Бундан ташқари, ушбу туркумдаги бошқа жилларда Хоразм ўлкасидан етишиб чиқган Беруний, ал-Хоразмий, Замахшарий, Огахий, Феруз ва бошқа илму-ижод ахли, балки ҳудудни тадқиқ қиласи С.П.Толстов, Я.Ғуломов, Б.Греков, А.Якубовский, Ҳ.Вамбери сингари кўплаб тарихчилар ҳаёти, фаолиятига тўхталиб ўтади”[4].

Яъни, айнан шу ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарлари туфайлигина Хоразмда тарих илми, шу жумладан ўлкашунослик фани ривожланди. Шу жихатдан қараганда қайси давлат фуқароси, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар ўлка ўтмишини ёритишга ҳисса қўшган экан, улар фаолиятини билиш, англаш ҳар бир хоразмлик учун зарурдир, деган қараш муаллифда устувор бўлган.

Бундан ташқари, муаллиф XX асрда фаолият кўрсатган, аммо кўпчилик хоразмликлар яқин даврда бўлса ҳам турли сабаблар билан аҳамият бермаган кўплаб турли соҳа вакиллари фаолиятини ҳам ёритиб ўтган.

Масалан, хоразмлик генераллар Йўлдош Бобожонов, Курбон Рўзметов, республика Олий Кенгаш раиси ўринбосари, иккинчи жаҳон уруши даврида эвакуация комитети раиси бўлган Пошшажон Маҳмудова, хорижда ҳам ҳалқ табобати фидойиси сифатида танилган Мадиёр Солаев, ЮНЕСКО қошидаги ҳалқаро ахборот академияси академиги, Москва давлат

университети профессори Худоёр Оллаёров, профессор Фаттоҳ Абдуллаев ва бошқа хоразмликларнинг ўз соҳалари, жамият тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳар бир асардаги мақола, очеркларда ёритилган [5].

Умид Бекмуҳаммад нафақат тарихчи, балки фаолияти давомида журналист бўлиб ишлагани, ҳозирда ҳам мақолалари билан танилган публицист, бир қанча эсселар, “Хоразмга талпинган Пушкин” роман-эссесининг муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида ўзига хос ёзиш услугига эга ижодкор сифатида танилган. Айнан ана шу жиҳат унинг ушбу “Хоразм ва хоразмликлар” номли ўн жилдлик асарларида ҳам яққол акс этган. Яъни, сарлавҳаларга эътиборли ном қўйилиши, очерк, мақоланинг бошланиш қисмидаги жумлалар асарнинг мазмун, моҳиятини очиб беришга ҳам хизмат қилган. Шу боисдан ҳам аниқ илмий факт, холис ва ҳаққоний хуносаларга асослангани, ёзилиш услубининг ўзига хослиги туфайли ушбу асарлар халқ орасида оммалашди, китобхонларга манзур бўлди. Ҳозиргача ўн жилдликнинг еттитаси қайта қайта нашр этилди ва асарларга матбуот орқали ижобий тақризлар ёритилди.

ХУЛОСА. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Умид Бекмуҳаммаднинг ушбу асарлар туркуми Хоразмда ўлқашунослик фани учун аҳамияти улкан эканлиги, қолаверса, Хоразм

тариҳига хорижликларнинг ҳам қизиқиши катта эканлигини эътиборга олиб, уни хорижий тилларга ҳам таржима қилишга эҳтиёж бор. Зоро, шунда Хоразм тариҳига қизиқувчилар уларни инглиз, рус ёки француз тилида ўқиб, воҳага келиш истаги янада кучаярди. Бу эса туризм истиқболига ҳам хизмат қиласи. Шунингдек, ушбу асарларнинг аудиоформатини ҳам тайёрлаш, ҳар бир жилдга бағишилаб видеороликлар ишлаш, “Хоразм ва хоразмликлар”нинг халқ ичида, хорижда оммалашшига ҳам сабаб бўларди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Умид Бекмуҳаммад. Хоразм ва хоразмликлар. Биринчи китоб. Дурдона нашриёти. Бухоро, 2022 йил.
2. Умид Бекмуҳаммад. Хоразм ва хоразмликлар. Иккинчи китоб. Дурдона нашриёти. Бухоро, 2022 йил.
3. Умид Бекмуҳаммад. Хоразм ва хоразмликлар. Еттинчи китоб. Дурдона нашриёти. Бухоро, 2022 йил.
4. Умид Бекмуҳаммад. Хоразм ва хоразмликлар. Учинчи китоб. Дурдона нашриёти. Бухоро, 2022 йил.
5. Умид Бекмуҳаммад. Хоразм ва хоразмликлар. Тўртинчи китоб. Дурдона нашриёти. Бухоро, 2022 йил.

